O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIV

АССАЛОМ ЯНГИ ЙИЛ, ЯНГИ АСР ЯНГИ МИНГ ЙИЛЛИК!

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2001 йил, 1 январь, душанба № 1 (1421). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Понедельник, 1 января 2001 г. № 1 (1421). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Аввалambор, байрам дастурхони атрофида жам бўлиб ўтирган сиз, азизларни — кексаю ёш барча юртдошларимни кириб келаётган Янги йил аёмми билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бир неча дақиқалардан кейин инсон ўзига тасаввур қилиши ҳам қийин бўлган воқеанинг гувоҳи бўламиз— хонадонларимизга бир пайтнинг ўзида янги йил, янги аср, янги минг йиллик кириб келади.

Асрлар ва минг йилликлар алмашадиган, инсоният янги даврга қадам қўядиган бундай ноёб ва тарихий лаҳзаларга гувоҳ бўлиш — барчамизга Оллоҳ таоло насиб этган улуғ инъом, катта бахтдир. Халқимиз таъбири билан айтганда, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Азиз юртдошларим!

Ўзининг оламшумул ютуқлари ва мислсиз фожиалари, мураккаб зиддиятлари билан одамзотни ҳайратга соладиган XX аср билан хайрлашар эканмиз, унинг кўп-кўп ҳақиқатларни очиб берган тарихий сабоқлари беихтиёр хаёлимиздан ўтади.

Бу давр кишилик тарихида инсоннинг коинотга чиқиши, илм-фаннинг гуркираб ривожланиши, чинакам мўъжизаларга йўл очилиши, ишлаб чиқаришни, ижтимоий ҳаёт ва инсон дунёқарашини кескин ўзгартириб юборгани билан одамзот хотирасида ўчмас из қолдиради.

Бу аср жаҳон миқёсида мустамлакачилик тизимининг барҳам топиши, миллионлаб мазлум халқларнинг озодлик ва эркинлик учун кураш даври бўлгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Лекин, таассуфки, инсоният бу асрда ҳам оғир муаммолар, турли синов ва хавф хатарлардан бутунлай халос бўлолмади.

Дунёнинг икки марта жаҳон урушини бошдан кечиргани, бутун-бутун халқлар ҳаётига хавф солдиган миллий, мафкуравий, диний асосдаги қарама-қаршиликларнинг, ҳудудий можароларнинг авж олгани, халқаро террорчилик, экстремизм, экологик хатарлар, гиёҳвандлик каби иллатлар инсоният бошига улкан мусибатлар олиб келгани ҳам мана шу даврнинг аччиқ ҳақиқатидир.

Ўтаётган асримизга хос бундай ижтимоий тўфонлар бизнинг ўлкамизни ҳам четлаб ўтгани йўқ, албатта. Халқимиз мустамлакалик зулми ва қарамлик жабрини тортди, мустабид тузум, камситиш, тазйиқ ва қатағон йилларини бошидан кечирди, озодлик ва истиқлол учун кураш йўлида қанчаканча қурбонлар берди. Лекин ҳар қандай оғир, машаққатли синовларда ҳам ўз орзу-ниятларидан, дину диёнатидан, улуғ мақсадларидан, ҳуррият сари интилишдан қайтмади.

Шу боис ҳам халқимиз, миллатимиз учун, шу табаррук ва мўътабар замин — Ўзбекистон менинг ягона ва бетакрор Ватаним, деган ҳиссиёт билан яшаётган ҳар қайси инсон учун XX аср, аввало, мустақиллик асри бўлиб қолажак.

Биз тарих берган ноёб имкониятдан фойдаланиб, ўз ҳаётимизни, ўз тақдиримизни қўлга олдик, ўзлигимизни англадик. Ўз кучимиз ва қудратимизга ишониб, халқимизнинг олижаноб фазилатлари, сабр-матонати, фидокорона меҳнати туфайли қисқа даврда — шу асрнинг охирги ўн йиллигида келажагимиз ва бахт-саодатимиз пойдеворини барпо этдик, янги асрга озод халқ, эркин миллат бўлиб, ёруғ юз билан кириб бормоқдамиз.

Шу маънода, дунёдаги илғор мамлакатлар билан биргаликда тараққиёт йўлидан бориш, ҳаётимизни ислоҳ этиш, жамият ва давлат тизимини янгилаш ва эркинлаштириш, бир сўз билан айтганда, юртимизни обод, халқимиз ҳаётини фаровон қилиш борасида 2000 йил ўзига хос ўринга эга бўлди.

Ўйлайманки, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига бефарқ қарамайдиган, мана шу ўзгаришларни ўз қалбидан ўтказадиган ҳар қайси инсон ҳаётимизда рўй бераётган янгиланиш жараёнларини кўриб беихтиёр қувониши шубҳасиз.

Шаҳар-қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси кундан-кунга ўзгариб, чирой очаётгани, бепоён далаларимизда, ишга туширилаётган янги-янги корхоналаримизда, умуман, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида одамларнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгариб, масъулияти ортиб бораётгани бугунги кунимизнинг энг устувор хусусиятидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Маънавий-маданий ҳаётимизни янги маъно-мазмун билан бойитиш, миллий қадриятларимизни тиклаш, асл томирларимизга қайтиш йўлида амалга ошираётган хайрли ва эзгу ишларимиз ўзлигимизни англаш ва буюк мақсадларимизга эришишда мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Бу борада Соғлом авлодни тарбиялаш, Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурларни амалга ошириш, фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш йўлида қўйган қадамларимиз барчамизни қувонтирмасдан қолмайди.

Айни вақтда юртимизнинг бойликларига кўз олайтираётган, танлаб олган йўлимиздан собитқадамлик билан олга юришимизни кўролмайдиган, кўпмиллатли халқимизнинг тинч-тотув ҳаётини, ўзаро ҳурмат ва аҳиллигимизни, жамиятимизда ҳукм сураётган меҳр-оқибатни бузишга уринаётган манфур кучлар ҳам борлигини унутмаслигимиз керак.

Шу боис биз бу кучларнинг қабиҳ ниятларидан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз, азиз болажонларимизни асраш ва уларни ёвуз таъсирлардан сақлаш — ҳар бир ота-онанинг инсоний бурчи эканини яна бир карра англаб олишимиз даркор.

Муҳтарам дўстларим, биродарларим!

Мана шу унутилмас лаҳзаларда ҳар қайси инсон Оллоҳ таолодан қалбининг тўрида ардоқлаб келаётган энг эзгу истак ва ўйлари рўёбга чиқишини, ўзига, оиласи ва фарзандларига эсон-омонлик, эзгу юртнинг тинчлик, тўкинлик ато этишини, омад ёр бўлишини сўрайди.

Мен ҳам сиз — миллионмиллион азиз ҳамюртларимнинг ана шундай орзу-умидларига тилакдош бўлиб, дилингиздаги пок ниятларингиз ижобат топишини Яратганимиздан сўрайман.

Ҳеч шубҳасиз, янги кириб келаётган йилда халқимизнинг фаровонлигини ошириш, унинг тинч ва осуда ҳаётини асраш, ёрдамга муҳтож оилаларни давлат ҳимоясига олиш йўлида, тадбиркор ва ишбилармонлар учун, изланиб яшаётган ҳар қайси инсон учун имконият ва шарт-шароит яратиш, уларнинг йўлини очиб беришга, одамларнинг ўз меҳнати натижасида кўпроқ баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган ишларимиз янада кучаяди ва, иншоолло, ўз самарасини беради.

Янги асрнинг биринчи йилини Оналар ва болалар йили деб атаб, янги йилни хонадонларимиз чароғи, ҳаёт давомчиси бўлган мунис оналар ва истиқболимиз эгалари — фарзандларимиз тимсолида кўришимиз буюк келажакни фақат соғлом ва баркамол авлодгина бунёд эта олади, деган ҳақиқат ҳаётимизда ичил ва мустаҳкам қарор топаётганининг тасдиғидир.

Биз кириб келаётган йилда катта ифтихор ва ғурур билан нишонлайдиган мустақиллигимизнинг ўн йиллик байрами ҳамда тарихимиздаги буюк саналарни муносиб кутиб олишга қаратилган барча режаларимиз янги йилимизнинг янада мазмунли бўлишига ҳисса қўшиши ва унинг файзу баракасини зиёда этиши муқаррар.

Қадрли ватандошларим!

Барчамизнинг нигоҳимиз манғулик сари ошиқаётган соат милларига қаратилган мана шу ҳаяжонли дақиқаларда ҳар бирингизни ҳаёлан бағримга босиб, айтмоқчиман:

Янги йил хонадонларимизга бахту саодат, файзу барака олиб келсин!

Дуогўй отахон ва онахонларимизнинг умрлари зиёда бўлсин, ўғил-қизларимизнинг камолини берсин!

Халқимизнинг боши омон, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил, янги аср, янги минг йиллик барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Туроним, янги йил муборак бўлсин!

Янги минг йилликнинг Янги асрига,
Ёруғ юзла келдинг, кўксингда шуур.
Эрку адолатнинг юксак қасрига,
Ушбу кун лойиқсан, Она юрт, шукр.
Номаи аъмолинг улуғдир бу кун —
Чоҳлардан ўзликка қайтолдинг омон.
Тўнғич йил бошида турибсан мамнун,
Бир кўксингда Қомус, бирида Қуръон.
Топган тенгсиз бахтинг чин юксак бўлсин,
Халқим, Янги йилинг муборак бўлсин!

Қутлуғ остонадан ортингга бир боқ,
Сен унда англадинг қуллик, ҳурликни.
Шаҳид фарзандларинг бўлдилар маёқ,
Қоронғу бағрингга излаб нурликни.
Гарчи бу ҳақиқат дилни яралар,
Лек унут бўлмагай ёвқур норларинг.
Ўша нур ёғдуси ичра таралар,
Янги аср узра авж алёрларинг.
Бу кун ҳар таянчинг эр билак бўлсин,
Элим, Янги йилинг муборак бўлсин!

Янги юз йилликнинг бошида туриб
Бағринг бут кўрмоқни тилайман такрор —
Буюк Турон эдинг, ёвлар бўйлолмас,
Беш ёнда Алпомиш қоялари бор.
Токи сарбон кутар бу йўл бошида,
У кунлар туш эмас хушга айлангай.
Бахтингга чанг солар «дўстлар» қошида,
Беш бармоқ бирлашиб муштга айлангай.
Ҳар мардинг кўксида шу тилак бўлсин,
Туроним, Янги йил муборак бўлсин!

Зулфия НОСИРЖОН қизи.

● ТВОИ СЫНОВЬЯ, УЗБЕКИСТАН!

МЕЧТА—СТАТЬ ГЕНЕРАЛОМ

Слова армейской поговорки «Плох тот солдат, который не мечтает стать генералом» вспомнились в беседе с лейтенантом Бахтиером Носировым отнюдь не случайно — мой собеседник как раз и оказался из тех солдат, которые не только мечтают, но и реально стремятся к претворению в жизнь своей мечты.

Окидывая мысленным взором ушедший в историю двадцатый век, лейтенант Носиров может быть доволен собой — за восемь последних лет им пройден большой жизненный путь от рядового солдата до командира артиллерийской батареи.

1992 год. Стоя в солдатском строю, рядовой Бахтиер Носиров с волнением в сердце произносил слова Военной присяги на верность народу и Президенту независимого Узбекистана, текст которой лишь недавно был утвержден парламентом страны. Быть в числе первых военнослужащих, присягнувших своей обновленной Родине — это было для него великой честью и великой ответственностью.

Задумывался ли он уже тогда, что слова этой воинской клятвы станут первым шагом на пути к выбору профессии на всю жизнь— не знаю, навряд ли. Скорее всего, понимание всей важности дела защиты Родины пришло к нему позднее, во время ратных будней. На глазах юноши развертывалась большая работа по созданию Вооруженных Сил для защиты суверенитета и территориальной целостности страны. Стремясь внести в это дело свой посильный вклад, Бахтиер старательно изучал военное дело и к концу службы завершал ее в должности командира отделения связистов.

Командирам трудно было расставаться с таким исполнительным и инициативным младшим командиром, проявившим незаурядные способности в обучении и воспитании личного состава. И они были искренне рады, когда сержант Б. Носиров пришел в штаб с рапортом о готовности остаться на сверхсрочную службу.

Начал ее Бахтиер с должности коменданта штаба, затем занимался секретным делопроизводством в артиллерийской части.

Однако бумажная работа все же тяготила парня. Пройдя соответствующее обучение и получив звание прапорщика, Бахтиер Носиров вернулся в свою «секретку». Исправно вел документацию, но раз за разом обращался с рапортами по команде, прося перевести его на службу с личным составом. И его настойчивость нашла-таки понимание командования — после обучения на краткосрочных офицерских курсах при ТВОКУ, младший лейтенант Б. Носиров получает назначение командиром взвода в батарею управления и артиллерийской разведки.

После связи и штабной работы это была уже третья воинская специальность молодого офицера— овеянная славой профессия артиллериста пришлась по

(Окончание на 2-й стр.).

● 2001 ЙИЛ — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

СОҒИНЧ ҲАРОРАТИ БОР



«...Элмуроджон ўғлим, омонмисан? Хизматларинг яхши кетаяптими? Қаддиқоматинг, ҳарбий либос ярашган бўйларинг шундоқ кўз ўнгимда турибди. Ҳарбий Қасамёд қабул қилган кунинг сени табриклаш учун боргандим. Дийдор кўришганимизни барака топгур бир офицер йигит суратга ҳам олганди. Мана яқинда ўша куни тушган суратимизни хатинг билан олдим. Очиғи, бир оз йиғладим. Аммо сен кўнглингга ҳар хил гапларни келтирма, оналарнинг ҳаммаси ҳам фарзандини соғинганда шундай ҳолатга тушади.

Болам, шарт-шароитларингдан кўнглим жуда тўқ. Ҳарбий Қасамёд қабул қилиш тантанасига — байрамингга борганимда, барака топгур командирларинг «онажон, онажон», дея яхши муомала қилиб, сизларга яратилган барча шарт-шароитларни кўрсатганди. Шунчалик шароитлар яратиб, юксак ишонч билдириб қўйган экан, Ватан учун ҳалол хизмат қилинглар. Сафдошларингга, дўстларингга ҳам шуни тушунтир. Ҳар ҳолда сен Самарқанд давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатган эсли-ҳушли, олий маълумотли йигитсан. Аввало ўзинг командирларингнинг буйруқларини беками-кўст бажариб, бошқаларга ибрат бўл.

Қўшни маҳалламизда биринг ўғли ҳам сенга ўхшаб ҳарбий хизматда экан. Яқинда ота-онасига командирлари Миннатдорчилик хати йўллашибди. Менинг ҳам сендан умидим катта. Ўқитдим, камолга етказдим, ҳалол, виждонли бўлишга, элюрт корига ярайдиган инсон бўлишга даъват этиб келдим. Ишонаманки, юзимизни ерга қаратмайсан.

Балким хотирангдан ўчиб кетгандир. Болалигингда аскар-аскар ўйнаётганингда танбеҳ берганман. Бунақа ўйинларни ўйнаманглар, деганман. Шунда сен: «Онажон, мен юртимни ҳимоя қилаяпман»,— дегансан, болаларча беғуборлик билан. Мана бугун ўша орзуинг ушалиб, Ватанинг ҳимоясидасан. Бу жуда шарафли ва масъулиятли. Улуғвор вазифани, муқаддас бурчингни шараф билан бажаришингда сенга буюк бобомиз Имом ал-Бухорийнинг руҳлари мададкор бўлсин! Яқинлашиб келаётган янги йил айёмидаги илк тилагим шу...».

Салом билан онанг ОҚХОЛ,
Самарқанд, Челак тумани.

«Ассалому-алайкум, онажон, отажон, укам Дилмурод!

(Давоми 3-бетда).

Иккинчи минг йилликдаги буюкларимиз

Тарих — халқнинг, миллатнинг таржимаи ҳоли, деган гап бор. Биз авлодлар ана шу таржиман ҳолни ўқиб, ким эканлигимизни, кимларнинг ворислари эканлигимизни англаймиз. Миллатнинг буюклиги, куч-қудрати ҳам тарихий илдизларга бориб туташади, аслида.

Тўғри, дунёда мамлакатлар кўп, миллатлар ҳам. Аммо ўзининг буюк ўтмиши, беҳисоб маънавий бойлиги, буюк аждодлари билан фахрланадиган миллат саноқли. Ана шу саноқли миллатлар орасида биз ҳам бормиз. Негаки, бизнинг шундай буюк аждодларимиз яшаб ўтишганки, улар жаҳон тамаддунига пойдевор қўйишган. Улар Уйғониш даврининг асосчилари бўлишган. Улар умуминсоний ғояларни тараннум этиб, нафақат бизга, балки жаҳон аҳлига беҳисоб маънавий бойликлар қолдиришган.

Бу айтаётган сўзларим улкан давраларда, жаҳон айвонида бир неча бор таъкидланган, эътироф этилган. Такрорлашим боиси фахр, ғурурдир. Истиқлол буюк аждодларим билан фахрланишга, улар қолдирган беҳисоб маънавий хазиналарни ўрганишга имкон берган экан, такрорлаб чарчамайман.

Мана, учинчи минг йиллик ҳам қадам қўйдик. Шу ўринда ортда қолган иккин-

(Давоми 3-бетда).

Бизнинг қутлов

Мана, ҳаёт саҳифасининг яна бир асри тарихга айланди. Унинг ҳар бир зарвараги инсоният тақдирида турли-туман битиклар қолдирди. Ҳаёт аталмиш умр сўқмоқларида йўқотишлар чекинишлар, депсинишлар кўп бўлди.

Юз йиллик хотимаси — янги аср муқаддимаси кўплаб миллату элатларга, жумладан биз — ўзбекларга ҳам рўшнолик, ҳурлик келтирди. Ватанимиз — Ўзбекистон мустақил бўлиб, қисқа муддат ичида мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Қўлга киритилган бу муваффақиятлар билан бугун ҳар қанча фахрланса арзийди. Ўз мурувватини сахий қалб ўзбекдан дариғ тутмагани учун Яратганга ҳар қанча шукронолар айтсак камдай туюлади.

Аждодлари Соҳибқирону Алжабр ўтган авлодлар бугун ўз Армиясию ҳарбий Академиясига эга бўлиб, унинг сафларидаги жасур ўғлонлар киндик қони тўкилган она-Ватани — муқаддас заминни ҳар қандай ғанимдан мардона ҳимоя қилмоқда. Улар жасорати, садоқатию маҳорати мустақиллик туфайли чоп этила бошлаган ягона ҳарбий нашр — Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органи «Ватанпарвар» газетаси саҳифаларида атрофлича ёритилиб келинмоқда.

Елгиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас, деган нақл бор. Ана шу пурмаъно мақолга амал қилиб келаётган «Ватанпарвар» газетаси ходимлари ўз ижодий фаолиятида етук олиму фузалолар, республикамиз бошқа редакцияларидаги ҳамкасблари, ҳарбий бошлиқ ва мутахассислар, жамоатчи мухбирлар маслаҳати ҳамда амалий кўмагига таянган ҳолда иш тутмоқда. Мамлакатимизда, жумладан Қуролли Кучларда амалга оширилаётган ислоҳотларни, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида қилинаётган ишларни фаол ёритишга ҳаракат қиляпти.

Янги йил, янги аср, янги минг йиллик. Шундай улуғ кун, улуғ айёмда ҳарбий газета нуфузининг ошишига баҳоли қудрат улуш қўшаётган барча-барчага чин қалбдан миннатдорчилик изҳор этган ҳолда, барча ҳарбий хизматчилару уларга яқдил халқимизга асрга тенг бўлғуси умр, мустаҳкам тани соғлик, янги яратувчилик режаларининг амалга ошишида зафарлар тилаймиз.

Янги кун, янги аср муборак, азиз ватанпарвар юртдошлар!

ТАҲРИРИЯТ.

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Тарбиявий ишлар самарадор бўлсин!

2000 йил 29 декабрь куни Тошкент гарнизонида «Диний экстремизм ва ақидапарастлик ғояларига қарши кураш вазифалари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияни Тарбиявий ишлар Бош бошқармаси бўлим бошлиғи подполковник Р. Арслонов қисқача кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Диний ишлар қўмитаси раиси Фозил қори Собиров «Ислом маданиятининг пайдо бўлиши, ислом динининг ўзбек халқи ҳаётида тутган муҳим ўрни» мавзусида нутқ сўзлади. Илмий-тадқиқот институти ходимаси Ш. Нуруллаева, Республика Конституциявий суди аъзоси У. Бозоров, Тошкент Давлат юридик институти қошидаги «Маърифат ва тарғибот» маркази ходими И. Пардаев, Мудофаа вазирлигининг масъул ходими майор А. Жўрабоевлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари бирлашган штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари — Тошкент гарнизони бошлиғи генерал-майор Т. Жумаев конференция якунида нутқ сўзлади.

Шу билан конференция ниҳоясига етди.

Майор А. ОБРЎЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Таҳририятдан: конференция иши тўғрисидаги батафсил маълумот газетамизнинг навбатдаги сонларининг бирида атрофлича ёритилади.

ХАЛҚ СЎЗИ—10 ЁШДА

Бундан 10 йил муқаддам 1991 йилнинг 1 январида жаҳонга ҳақ сўзни, халқ сўзини, Ўзбекистонни овоза қиладиган газета дунё юзини кўрди. Бу бугунги кунда барчамизга таниш, мамлакатимизнинг барча жабҳасига кириб борган, саҳифаларида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларни атрофлича ёритиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ сўзи» газетасидир.

«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган миллий истиқлол ғояси билан хонадонимизга кириб келар экан, «Халқ сўзи» ислоҳотларимизнинг қай йўсинда бораётганини, Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган адолатли Қонунларни, Президентимиз Фармонлари, ҳукуматимиз қарорларини ўз саҳифаларида эълон қилади. Шунингдек, республикамиз ва жаҳон майдонидаги долзарб муаммолар, глобал масалалар газетада ҳозиржавоблик, тезкорлик билан ёритилиб, унинг ечимлари билан боғлиқ таклифлар ҳам ўртага ташланади. Кўнгилочар, дам олиш саҳифаларини эса газетхонлар янада мириқиб ўқишади.

Биз Мустақиллигимизга тенгдош бўлган «Халқ сўзи» газетасини, унинг жамоасини бу қутлуғ сана билан, қолаверса, янги аср, янги минг йиллик билан табриклар эканмиз, ижодий баркамоллик, ислоҳотларимиз билан тенг одимлашда маҳорат, кучқувват тилаб қоламиз.

«Ватанпарвар» газетаси жамоаси.

Жанубий Қутбга Ўзбекистон байроғи ўрнатилади

2001 йилнинг 1 январида, Гринвич вақти билан соат 00 да, курраи заминда учинчи минг йиллик бошланадиган бир пайтда тошкентлик 12 ёшли мактаб ўқувчиси Анастасия Мельникова гулдурос мушакбозликлар остида Ер шарининг Жанубий Қутбида БМТнинг мовий байроғини кўтаради.

Бир неча лаҳзалардан сўнг эса, Янги йилнинг илк дақиқаларида бу ерда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ҳам баланд ҳилпирай бошлайди!

Мамлакатимиздан беҳад олисда жойлашган Антарктиданинг муэзи ҳудудлари узра серқуёш Ўзбекистонимизнинг Давлат мадҳияси тантанали жаранглайди.

Ватанимиз байроғини кўп миллатли давлатимиз фуқаролари — тошкентлик Максим Задоя ва Павел Дубовик кўтаради.

Тошкентда, байроқни уларга тақдим қилиш пайтида пойтахтимиз ҳокими Козим Тўлаганов билдирган илтимосга биноан, ёш қутбчи Анастасия республикамиз байроғини флагштокка мустаҳкам ўрнатади.

Мадҳия садоларининг авж палласида Ер шарининг кўплаб мамлакатлари вакиллари бўлмиш ўнлаб башарият фарзандлари даврасида Максим ва Павел давлатимиз рамзига қўлларини чеккасига қўйиб ҳурмат бажо этади.

Ушбу оламшумул воқеа БМТнинг Антарктидаги «Наркотикдан ҳоли Замин» шиори остида ўтган «Барқарор тинчлик — Янги минг йилликка равон йўл» халқаро лойиҳасининг якунланиши арафасида содир бўлади.

Экспедиция иштирокчилари бир неча бор гўё янги давр рамзига, Ер шарида тинчлик ва тараққиёт тимсолига айланган Анастасияга мурожаат қилиб, ўз миллий байроқларини Антарктида заминига тикишда иштирок этишини сўрашди.

Ватандошларимиз Американинг машҳур «Ай-Пи-Ви Ньюс» телекомпанияси экспедицияси гуруҳи таркибида муз қитъасида меҳмон бўлиб турибди. Мазкур компания бундан икки йил илгари Ҳимолай тоғларидан республикамиз терма жамоасининг дунёнинг баланд нуқтаси — Эверест чўққисини забт этиш жараёнини тўғридан-тўғри эфирга узатган эди.

«Ай-Пи-Ви Ньюс АҚШ» компанияси ўзининг кўп йиллик ҳамкори, жаҳон маданий-маърифий киносининг ҳомийларидан бири — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан биргаликда ва «Коском» Ўзбекистон — Америка қўшма компанияси ёрдамида Ўзбекистон фуқароларига Ернинг олтинчи қитъасига саёҳат қилиш, оламшумул воқеаларнинг гувоҳи бўлиш имконини таклиф этди.

Антарктида гўзал, аммо иқлими жуда шафқатсиз, ўзи қадимий, инсон қадами доим ҳам етавермайдиган қитъа ҳисобланади. Унинг аксарият қисмини улкан музликлар қоплаган. Худди шу ерда, муз тоғларининг ўрта қисмида, совуқ — 90 градусга етадиган жойда дунёнинг энг совуқ Қутби жойлашган.

Бундан 180 йил илгари рус ҳарбий денгизчилари Ф. Беллинсгаузен ва М. Лазарев томонидан очилган бу қитъа ҳанузгача оламшумул тамаддунга ўжарлик билан қаршилик кўрсатиб келаётир. У умумбашарият мулки сифатида давлат чегараларини тан олмай, инсон учун фақат илмий тадқиқотлар ва эндиликда спортчиларнинг ҳам маскани бўлиб турибди.

Бундан 40 йил муқаддам 12 давлат ўртасида Антарктида тўғрисида шартнома имзоланган эди. Бу шартнома халқаро ҳамкорликка асос солиб, муз қитъасининг ноёб табиатини ҳимоя қилувчи ҳужжатга айланди. Ушбу халқаро келишув шарофати билан Антарктида Ер шаридаги қурол-яроғ, ядро қуролидан холи бўлган ягона қитъага айланди. Бутун дунё олимлари томонидан планетамизнинг нозик экологик тизимида ҳаётий муҳим калит ҳисобланган бу қитъанинг ўзига хос ноёб табиатини сақлашга қаратилган кенг чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди.

Экспедиция дастури муаллифлари инсонпарварлик, ҳамжиҳатлик, инсон манфаатлари йўлида тинч ҳамкорлик тамойилларини тасдиқлашга қаратилган кенг кўламли халқаро нодавлат тадбир учун Антарктидани бежиз танлашмаган.

«Биз инсоният учинчи минг йилликка урушларсиз, террорчиликсиз, наркотиклларсиз қадам қўйишини истаймиз. Экспедициямиз Антарктидага ўюштирилган XX асрдаги сўнгги ва XXI асрдаги биринчи экспедиция ҳисобланади. Бизнинг бу тадбиримиз она сайёрамиз келажагига бефарқ бўлмаган барча кишиларни: саёҳатчилар ва олимлар, ишбилармонлар санъат ва маданий-

(Давоми 3-бетда).

МЕЧТА—СТАТЬ ГЕНЕРАЛОМ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

душе ему. Особая значимость службы в артиллерийской разведке заставляла трудиться над повышением своего профессионального уровня с удвоенной энергией. К тому же специфика боевой работы противотанкового дивизиона учила выполнению всех действий с максимальной скоростью — если расчеты противотанковых орудий не успеют в реальном бою быстро занять огневые позиции и начать вести огонь, то они окажутся попросту смяты под гусеницами грозной броневой техники противника...

Развернувшаяся в Вооруженных Силах военная реформа не обошла сторонной и часть, где проходит службу герой этого повествования. В минувшем году противотанковый дивизион был реорганизован, и на вооружение поступили дальнобойные гаубицы. Став командиром гаубичной батареи, лейтенант Б. Носиров вновь вспомнил о справедливости народной мудрости: век живи — век учись.

В минувшем учебном году его батарея заняла одно из первых мест в соревновании артиллеристов части, которой командует майор Хуснитдин Хожиматов. В этом успехе есть доля заслуги и командиров групп — младших лейтенантов Акмаля Мирзаева и Шавката Саттарова. А в соперничестве орудийных расчетов лучшим в батарее оказался коллектив во главе с сержантом Фарходом Мингбаевым — и наводчик рядовой Мурод Карабаев, и заряжающий рядовой Абдуназар Тогаев, замковый рядовой Дильмурод Рузиев, водитель рядовой Бобуржон Сапаров — все они показали образцы слаженности и высокой боевой выучки.

Вот и в продолжающемся зимнем периоде обучения воины-артиллеристы из батареи лейтенанта Бахтиера Носирова прилагают все усилия для того, чтобы сохранить завоеванные позиции. На каждом занятии они трудятся с огоньком и вдохновением. Кто знает, может весной кто-нибудь из них и захочет пойти по стопам командира — напишет рапорт об оставлении на службу по контракту. Ведь последовал же примеру старшего младший брат лейтенанта Бахтиера Носирова Убайдулло — по окончании срочной службы он пополнил ряды воинов-профессионалов. В составе подразделения спецназовцев минувшим летом Убайдулло участвовал в боевой операции по уничтожению бандформирования террористов в Сурхандарьинском вилояте.

Вот так, с новыми успехами в боевой учебе вступая в XXI век, лейтенант Б. Носиров остается верен своей мечте — стать генералом. Искренне пожелав ему претворения в жизнь, поинтересовался — главная ли это его мечта?

— Нет, — последовал ответ. — Главная моя мечта — это видеть мой родной Узбекистан мирным и процветающим.

Майор А. ШАПШАНОВ.

МАРҲАБО ЯНГИ ЙИЛ!

Вақт — учқур от! Биласиз, зўр, билими зўр, моҳир чавандозга бўйсунади. Юракда ўтинг, ғайратинг бўлмаса, эгарда мустаҳкам ўрнашиб, жиловни қаттиқ ушламасанг, нигоҳларинг уфқни кўзламаса, пиёда — чанг-тўзонда қоласан. Ҳачир минганлар, ҳўкиз минганлар ёнингдан кулиб ўтаверади...

Дунёнинг ишлари қизиқ. Минг-минг йиллар етовимизда бўлган, шонли-шавкатли боболарга холис хизмат қилган қадрдон Вақтнинг тизгини қўлимиздан сирғалиб чиққан пайтлар ҳам бўлди, тарихимизда. Ҳатто сўздликдек улуғ неъмат, миллий давлатчилик-да, қўлдан бой берилди. Сабаби аён: Буюк ўтмишга маҳлиё бўлиб, хотиржамликка, беғамликка, тарқоқликка юз тутдик...

Шукрлар бўлсинким, миллат зўбун, хор бўлган, ёт тузуму мафкура ҳукмрон бўлган даврлар тарихга айланди. Яна ўша учқур отулпордамиз. Вақт билан баробармиз. Мустақилмиз. Бой берилган ғурур, ўзлик, қадрият манзиллари энди бизники! Тенглар ичра тенгмиз.

Энг қувончлиси, миллат янги асрга, янги минг йилликка ўз давлатини, эркини қозониб, ёруғ юз билан қадам қўйди. Ўзбекнинг буюк давлатини қуриш, дунё ривожига муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг орзуимиз.

Ота-боболаримиз «Оққан дарё оқмай қолмас», дея бежиз айтишмаган. Биринчи, иккинчи минг йилликларда илму маърифатда, эътиқодда, маданиятда жаҳон халқларига ўрнак бўлган миллатимизнинг учинчи минг йилликда ҳам буюк хизматлари билан ном қозонишига асло шубҳа йўқ.

Шундай экан, ҳозирдан ниятни улуғ қилайлик, буюк ишларга бел боғлайлик. Нигоҳимиз минг йилликни қамраб олсин. Шахсий манфаат, нафс нафақат ўзимизга, фарзандларимизга, балки жондан азиз Ўзбекистонимиз, миллатимиз ривожига ҳам зарар етказишини чўқурроқ англаб етайлик. Ватан, миллат дахлсизлиги, ҳимояси, фаровонлиги, келажаги барча-барчамизнинг ўй-фикримизни банд этсин.

Вақт — туёғидан ўт чақнайдиган, учқур от. Кўз очиб юмгунча бизни узоқ келажак сари бошлаб келди. Учинчи минг йиллик бўсағасидан шаҳдам қадам қўйинг, Ватандош, сизни буюк имкониятлар минг йиллардан бери орзиқиб кутмоқда. Марҳабо! Марҳабо янги йил — янги минг йиллик!

Капитан А. УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Оддий аскар Ихтиёр Қиличев ўзига ишониб топширилган жанговар машинани доимо шай тутишга одатланган. Шу боис ҳам муваффақият доимо у билан бирга. «Қаршилик бу посбон шижоати, интилиши билан сафдошларига ўрнак», дейди гуруҳ командири катта прапорщик Сафар Саидов. Катта ҳайдовчи вазифасида хизмат қилаётган Ихтиёр янги йилни кўтаринки кайфиятда кутиб олди.

Капитан З. ТУХТАЕВ суратга олган.

● БОЕВАЯ УЧЕБА: ПЕРЕДОВОЙ ОПЫТ

Выход из прорыва

Когда подвели итоги соревнования за 1999—2000 учебный год, то неожиданно для многих учебный взвод капитана Бахтиера Бобокалонова был назван в числе лучших в части. Почему неожиданно? Потому что два года назад офицер принимал под команду одно из самых отстающих учебных подразделений.

Впрочем, для командования части и самого Бахтиера в этом успехе нет ничего случайного. Расчет на опыт и здоровое честолюбие офицера привел подразделение к нужному результату.

У командиров уже тогда сформировалось четкое представление о деловых и человеческих качествах капитана Б. Бобокалонова: семь лет назад пришел он в часть на сверхсрочную службу в звании старшего сержанта, имея за плечами опыт службы в Военно-Воздушных Силах. Начал с начальника аппаратной, за отличие в освоении техники был направлен на курсы подготовки офицеров, в звании младшего лейтенанта стал начальником центра каналообразования, затем служил в управлении части в оперативно-техническом отделе.

Командование обратило внимание на то, что этот офицер не только точен и исполнителен в выполнении приказов и различных поставленных задач, но и хорошо знает технику связи, умело передает свои знания воинам. О его стремлении к получению новых знаний говорит и такой факт из биографии — за время службы заочно окончил финансовый техникум.

Словом, пришли к выводу — Бобокалонову вполне по плечу такая сложная и ответственная задача, как выведение из прорыва отстающего подразделения.

Еще из своего солдатского и сержантского опыта Бахтиер помнил — прежде, чем потребовать с подчиненных, надо создать им необходимые условия для несения службы и отдыха. А если солдат почувствует заботу о себе, поверит в командира — с ним можно горы свернуть!

Вместе со старшиной роты прапорщиком Юлдашем Эшонкуловым взялись за казарму. Сейчас в ней тепло, уютно, а спортивный уголок оборудован так, что можно позавидовать — тренажеры, боксерская груша, гири, штанги, два гимнастических «коня». Причем, большинство из инвентаря сделано своими руками. Спорторганизатор взвода рядовой М. Курбанбаев четко спланировал физкультурно-оздоровительную работу, строго закрепив за отстающими в развитии воинами лучших спортсменов. Традицию проведения спортивных праздников, соревнований и других мероприятий воин перенял у своего предшественника, осенью уволившегося в запас.

Помимо организации досуга и подтягивания подчиненных по физической подготовке, командир сделал акцент на специальных навыках воинов-связистов, ведь им предстояла ответственная работа по обеспечению связи на командно-штабных машинах, передача данных по каналам засекреченной связи. Здесь очень пригодилась выучка, полученная на предыдущих должностях — наставники у Бахтиера были очень сильные. Да и он оказался умелым преподавателем, сумев доходчиво и просто довести до личного состава знания по обслуживанию сложной техники, аппаратуры связи.

Первыми помощниками во всех этих делах стали командиры групп — старший лейтенант Мирзохид Отабаев, старшина по контракту Шоди Хамраев и старший сержант по контракту Алишер Утаев.

Воспитание подчиненных в духе преданности своей независимой Родине, готовыми до последнего дыхания стоять на ее защите капитан Б. Бобокалонов считает одной из главных своих задач. Ведь и самого офицера привела на путь защитника Родины горячая любовь к Отчизне и пример старших поколений — дед Бахтиера Бобокалон Сафаров геройски сражался на фронтах второй мировой. А в настоящее время по стопам брата пошел братишка Ихтиёр — он служит инструктором по вождению в горно-стрелковой части, старший сержант по контракту.

Было трудновато совмещать боевую учебу с воспитательной работой, но в этом году на должность заместителя командира прибыл выпускник СВВАКИУ лейтенант Шухрат Умбаров. В нынешнем успехе есть скромный вклад и этого молодого офицера-воспитателя.

Большую роль в организации досуга и воспитания воинов играет совет воинского коллектива, возглавляемый сержантом Ильхомом Юлдашевым. Этой осенью его пополнили новые воины. Рядовой Химмат Юлдашев — художник, его рисунками оформлена стенгазета учебного взвода «Алокачи». А рядовой Асадулло Набиев — профессиональный актер, закончил в Ташкенте Институт искусств. Активно участвует в работе совета и рядовой Мурадулло Файзиев — он заводила по душе, солдаты охотно поддерживают его идеи.

Недаром говорят в народе: дружно — не грузно. Сумев сплотить воинский коллектив, окрылив его верой в свои силы, капитан Б. Бобокалонов смог и нацелить его на выполнение учебно-боевых задач. Однако «почивать на лаврах» не дает режим службы в учебной части — вчерашние отличники выпущены в войска, вместо них прибыли вчерашние школьники, новички, с которыми надо начинать с нуля. А значит, командирам отделений, сержантам Хамиду Очилову и Ильхому Юлдашеву, младшему сержанту Саъдулло Закирову, предстоит еще немало сделать, чтобы отстоять звание лучшего подразделения. Но они уверены в себе и своем командире — он вновь приведет к успеху.

На прощание задаю провокационный вопрос капитану Бахтиеру Бобокалонову:

— А если вновь бросят на отстающий взвод, согласитесь?

— Конечно, — последовал ответ. — Не бывает хороших и плохих солдат, надо только вкладывать в них душу.

В этом весь он, достойный внук своего деда, достойный сын своего народа. А в слагаемых выхода из прорыва нет большого секрета. Они просты, как сама жизнь: опыт, трудолюбие, вера в подчиненных, верность воинскому долгу и своей независимой Родине.

Майор А. КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

ВМЕСТЕ К ВЕРШИНАМ МАСТЕРСТВА

Каждый день для воинов автомобильного взвода, где служит сержант В. Турсунов, начинается с развода в автопарке. На нем командир взвода лейтенант У. Юлдашев доводит до подчиненных требования мер безопасности, ставит конкретные задачи каждому водителю.

Здесь у всех цель одна — техника всегда должна быть в исправном состоянии. Среди тех, кто всегда добросовестно относится к выполнению своих обязанностей, водители рядовые Камил Усманов, Нигмат Расулов, Батыр Бегматов. Это уже опытные специалисты, за плечами которых не одна сотня километров дорог.

Есть в коллективе и новички, которые недавно переступили порог казармы и надели военную форму. Это рядовые Тахир Салимов, Баходыр Зафаров, Гайрат Наджмиддинов.

Да, их армейская жизнь началась совсем недавно, но хорошая школа допризывной подготовки, которую они прошли в ОСО «Ватанпарвар», свидетельствует о том, что каждый из них подготовлен к армейской службе и готов с честью выполнить поставленную задачу. И все же, как говорится, все они пока стажируются у более опытных специалистов, а те, в свою очередь, во всем им помогают.

Вместе обслуживают и ремонтируют технику, вместе изучают тонкости водительского мастерства. Одним словом, стараются не отставать от сослуживцев.

Труд солдат не остается незамеченным. Так, например, накануне 9-й годовщины Вооруженных Сил Республики Узбекистан на торжественном собрании один из новичков — рядовой Т. Салимов — за отличную службу и воинскую дисциплину был поощрен командованием части Почетной грамотой. А многим новичкам в этот день в их служебную карточку были вписаны первые благодарности.

Х. МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

УЧИЛИЩЕ СТАЛО ЛУЧШИМ

Самым знаменательным событием в прошедшем году для меня и моих товарищей стало известие о том, что по итогам соревнования за 2000 год наше Самаркандское ВВАКИУ признано лучшим высшим военным учебным заведением Вооруженных Сил.

На всю жизнь запомнится торжественное построение личного состава училища. Переходящий приз, завоеванный училищем, стоял на самом видном месте. После того, как перед строем пронесли Боевое Знамя, состоялся митинг личного состава.

Начальник училища полковник Ш. Хусаинов поздравил курсантов и солдат, офицеров и прапорщиков с получением переходящего приза и объявил всему личному составу благодарность. Затем было произнесено немало теплых слов офицерами, преподавателями, гостями училища, прибывшими на торжество. Курсант 4-го курса Ж. Курбанов выразил чувства всех, сказав, что мы гордимся этой победой и теперь для нас стало делом чести и дальше трудиться столь же добросовестно, добиться того, чтобы переходящий приз навсегда остался в стенах Самаркандского ВВАКИУ.

Много еще мероприятий было проведено в этот памятный день. К памятнику Амира Темура, являющегося для всех узбекистанцев символом доблести и чести, великому полководцу, внесшему огромный вклад как в развитие военного искусства, так и в прогрессивное развитие мировой цивилизации, были возложены цветы. Те, кто внес наибольший вклад в завоевание переходящего приза, были сфотографированы на память об этом замечательном событии.

Трудно описать все, что творилось в душе каждого из принадлежащих к дружному коллективу Самаркандского ВВАКИУ. Главное — мы доказали, что не даром учимся в столице Темуридов, что достойны продолжать славные боевые традиции наших великих предков.

Курсант Ш. ТУХТАСИНОВ.

● ЕШ АСКАР МАКТУБИ

Энг муқаддас туйғу

Болалигимдан она қишлоғимнинг бетакрор табиати, зилол сувлари-ю, кўм-кўк адирлари ўзига мафтун қилиб келади. Бундай жаннатмакон ўлка яна қаерда бор?! Ҳеч қаерда! Мен шу азиз маконда ўсдим-улғайдим. Ака-ука, тенгдошларим қатори билим олдим. Ота-онам, устозларим, меҳрибонларим ғамхўрлигида катта ҳаёт йўлига отландим. Ҳарбий хизматга келгач, болаликнинг ортда қолганлиги, энди мен ва сафдошларим зиммасида катта масъулият — она-Ватанни қўриқлашдек юксак вазифа борлигини юракдан ҳис этмоқдамиз. Ватан ва Она. Бу эгиз сўзлар қачон дилимга жо бўлди? Ҳали гўдаклигимда, онамнинг иссиқ бағрида, ювиб-тараб, оқ сут бериб парваришлаганда, бешикда ширин-ширин тушлар кўриб ором олганимда қонимга, жонимга мустаҳкам ўрнашган сўз—Она! Илк бора атак-чечак бўлиб юрган кезларимда, бийрон-бийрон сўзлаб атрофдан завқланганимда, илк бор мактабга бориб ўрганиб суйганим, сўзим — Ватандир.

Бизнинг бахтимиз нимада? Биз мустақил Ўзбекистон фарзандларимиз. Узоқ йиллар орзу қилган, қанчақанчаси етолмай қурбон бўлган ота-боболаримизнинг ўз мақсади ривожи йўлида дадил қадам ташлаётган навқирон ўғил-қизларимиз. Аллоҳ назари тушган ушбу ўлкада Президентимиз Ислом Каримовнинг ўзбек халқига ато этилиши яна бир улуғ бахтимиздир. Биз аскарлар у киши тимсолида жасоратлилик, фидойилик, қатъиятлилик хислатларини кўрамиз, у кишидек халқимизнинг чинакам фарзанди бўлиб етишишга интиламиз.

Янги йил, янги аср бўсағасида Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган сафдошларим номидан она-Ватанимиз ҳудудида яшаб, яратувчилик йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган бободеҳқонларимиз, ишчилар, хизматчиларимиз, ўқитувчи, қўйингки, барча-барчаларини чин дилдан муборакбод этаман, уларга тинчлик-тотувлик, сиҳат-саломатлик тилайман ва Қуролли Кучларимиз сафида она-Ватанимиз чегараларини доимо сергак ҳимоя қиламиз, дея сизларни қатъий ишонтирамиз. Байрамингиз муборак бўлсин!

Оддий аскар
Аловуддин БЕКМУРОДОВ.

● ВЕТЕРАНЫ — СРЕДИ НАС

ВОСЕМНАДЦАТЬ ВЫПУСКОВ ИНСТРУКТОРА

Старшего прапорщика Дмитрия Гребенщикова по праву называют одним из «старожилов» в Самаркандском ВВАКИУ — уже восемнадцать лет он служит здесь в должности инструктора по вождению автомобилей.

А вообще, Дмитрий Николаевич впервые надел военную форму еще 30 лет назад, солдатом срочной службы. В далеком 1972 году, возвратившись домой, он еще 10 лет работал на «гражданке». И все же через 10 лет судьба вновь привела его в Вооруженные Силы.

С тех пор опытный наставник в армейском строю. Восемнадцать выпусков офицеров-автомобилистов прошли обучение под его руководством, усвоив секреты управления современной автомобильной техникой.

— За годы службы старший прапорщик Гребенщиков не только внес большой вклад в подготовку высококвалифицированных офицерских кадров, — говорит командир подразделения учебных машин старший лейтенант Нодир Ишназаров, — но и воспитал немало инструкторов из вчерашних солдат. Например, младший сержант по контракту Насриддин Абдурасулов остался в воинском коллективе после окончания срочной службы именно благодаря глубоким знаниям и хорошим профессиональным навыкам, полученным от своего наставника.

Новый год и новое тысячелетие инструктор по вождению старший прапорщик Д. Гребенщиков встречает с твердым настроем добиться новых успехов в боевой учебе. Вырабатывая у будущих офицеров профессионализм и прочное знание вверенной им мощной автомобильной техники, умение быстро выявлять и устранять обнаруженные неполадки, оперативно выполнять доверенные командованием задачи, он вносит свой достойный вклад в укрепление обороноспособности страны.

Майор А. НУРОВ.

АЛОҚАЧИЛАР САРДОРИ

Майор Доробшо Ғуломов одатдагидек почта жўнатмаларини қисмга олиб келиш учун пособни юборганди. «Негадир ҳаяллаяпти», дея соатига тез-тез қараб, тоқатсизлана бошлади. Бошқа пайти бўлганда кўнглини кенг қилиб ўтиравераради. Аммо бугун...

Ҳа, бугун оддий кунлардан фарқ қилади. 2000 йилнинг, XX асрнинг, иккинчи мингйилликнинг сўнгги куни. Яна-ям аниқроқ қилиб айтсак, бугун жамоасида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар яқинларидан табрикномалар оладиган кун-да.

Майор Д. Ғуломов ҳарбий қисм алоқа хизматининг бошлиғи. 1994 йил май ойидан бошлаб, офицер сифатида Ватанига хизмат қилиб келмоқда.

Мана, бугун кўпчилигимиз оиламиз даврасида янги йилни нишонлаяпмиз. Аммо майор Ғуломов ва унинг қўл остидагилар байрамни жанговар постда кутиб олишаяпти. Ахир байрам кўнгилдагидек ўтиши учун ҳарбий алоқа узлуксиз, мунтазам ишлаб турмоғи лозим.

Юқорида почта жўнатмалари хусусида бежиз айтмадим. Буни назорат қилиш ҳам бевосита қисм алоқа хизмати бошлиғининг вазифаси-да. Қолаверса, у алоқа бўйича ҳужжатлар ва унинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш, унинг шахсий таркиб томонидан бажарилишини назорат қилишга масъул. Хуллас, унинг вазифаси ҳақидаги қисқача баён шу.

Майор Д. Ғуломовнинг оиладан кўнгли тўқ. Рафиқаси Насиба опа ҳарбий шаҳарчадаги болалар боғчасида тарбиячи. Яъни, болаларининг тарбияси билан кўпроқ онаси шуғулланади. Уларнинг оиласи аҳил бўлиш билан бирга, ҳарбий шаҳарчада энг серфарзанд ҳам. Улар 2 ўғил, 2 қизни тарбиялаб вояга етказишмоқда.

— Юртимизда мудом тинчлик бўлсин, Янги асрни «Оналар ва болалар йили» билан бошлаяпмиз. Доимо оналаримиз эъзозда бўлиб, фарзандларимизни буюк келажакнинг асл эгалари қилиб тарбиялайверишсин,— дейди майор Д. Ғуломов.

Катта лейтенант
Ш. ТОЛМАСОВ.

Суратда: **майор Д. Ғуломов оиласи даврасида.**

Капитан З. ТУХТАЕВ олган сурат.

СОҒИНЧ ҲАРОРАТИ БОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

род. Соғ-саломат юрибсизларми? Сизларга Тошкентдан аскарлик саломимни йўллаяпман.

Онажон, хатингизни мириқиб ўқиб чиқдим. Менга кўп насиҳатлар, ҳар доимгидек дуолар қилибсиз. Ўзбегимнинг оналари шу — ўзи учун эмас, фақат фарзандим, деб яшайди. Мен ҳам Сизга Яратгандан узоқ умр тилаб қоламан.

Хизматларим яхши, ҳатто илк жанговар ютуқларим бор. Гуруҳимиз командири катта лейтенант Баҳодир Жўраев бизга ҳарбий соҳадан улкан сабоқ бераётир. Яқинда ўтказилган Ҳуқуқий билимлар ягона кунида фаол қатнашганим учун қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Артур Ҳакимов мени мақтади.

Янги минг йилликни ҳарбий хизматда кутиб оламан, деб ҳеч тасаввур қилмаганман. Мана ҳозир қисм ошхонасида катта арчани безатишаяпти. Байрамга бағишлаб спорт мусобақалари ўтказаяпмиз. Байрам куни палов пиширилиб, байрамона дастурхон безатилади. Қандайдир ансамбль ҳам келармиш. Хуллас, янги йил байрамининг ширин ташвишлари катта. Ишончим комилки, бу сафарги мазкур байрам умрбод эсимда қоладиган кун бўлади. Тўғри, бу хатни олгунингизча янги йилга қадам қўйган бўламиз. Шундай бўлса-да, Сизни янги йил билан самимий табриклаб қоламан. Сиз Онажонимни — волидаи муҳтарамамни кафтимда, бошимда кўтариб юрсам-да, оз. Ваъда бериб айтаманки, берган оқ сутингизни ҳалоллаб, бурчимни шараф билан ўтайман. Ёнингизга ёруғ юз билан қайтажакман, Онажон!»

Аскар ўғлингиз Элмурод ТУРДИЕВ,
Тошкент.

Мактубларни оққа кўчирувчи Д. РЎЗИЕВА.

Суратда: **Оқхол ая ва ўғли Элмурод.**

Капитан З. ТУХТАЕВ суратга олган.

ЮЗ ЙИЛЛИК ТЎЙ, МИНГ ЙИЛЛИК УЙ

Қутсангиз, вақтнинг ўтиши қийин. Дақиқалар соатга айланади, соатлар эса кунга... Шошсангиз вақт етишмайди. Бамисоли қуш, қанот боғлаб учади, у.

Назаримда, йиллар чопаётган бола, аср тез-тез, дадилдадил қадам ташлаётган йигит, минг йиллик ҳар бир қадамини ўйлаб босаётган донишманд чол. Янги йил, янги аср, янги минг йилликнинг илк онларида эски йилимизга, эски асримизга, эски минг йиллигимизга бир назар ташласак, кўп нарсалар аён бўлгай.

2000 йил — «Соғлом авлод йили» сифатида тарихимиздан муносиб ўрин олди.

XX аср алғов-далғов асри бўлди. Шундай бўлса-да, биз учун энг азиз, энг мўътабар аср бўлиб қолади. Бизга ЭРК олиб келди, ИСТИҚЛОЛ олиб келди у!

МИНГ ЙИЛЛИК — минг саҳифалик достон, бу!

Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур... жилмайиб боқиб турибди бизга.

Юртбошимиз улкан ва ёркин сиймо — Амир Темурнинг тутган ўрни ва унинг аҳамияти хусусида шундай дейди: «Амир Темур жаҳон тарихига қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этиб, ўрта аср дунёсининг асл маданий ва маънавий марказларидан бирига айланган, инсон ақли ва истеъдодининг ноёб ижоди бўлиб, бугунги кунда ҳам сақланиб қолган мислсиз меъморий обидалар билан машҳур Самарқандни унинг пойтахтига айлантирган атоқли саркарда ва давлат арбоби сифатидагина кирган эмас.

Амир Темур олимлар, файласуфлар, меъморлар, шоирлар, ҳофизу машшоқларга ғамхўрлик қилишда ҳам ном қозонган эди. Темурийлар даври ҳақиқатан ҳам илм-фан, маданият ва маорифнинг беҳад равнақ топишини таъминлаган Шарқ Уйғониш даври эди».

Амир Темур бобомиз шундай нақл этадилар: «Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан ўн баравар фойдалироқдир».

Ортда қолаётган минг йилликда буюк аждодларимиз сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, илм-фанда ҳам улкан муваффақиятларни қўлга киритишди.

Донишманд оталаримиз, оқила оналаримиз Аллоҳ ато этган умрларидан унумли фойдаланишди. Вақтни бекорга ҳавога совуришгани йўқ. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижаси — бугун биз буюк меросга эгамиз.

Президентимиз шундай деб таъкидлайдилар: «Энг

мўътабар, қадимги қўлёзмамиз «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган мўъжизали фойдаланишди. Вақтни бекорга ҳавога совуришгани йўқ. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижаси — бугун биз буюк меросга эгамиз.

Президентимиз шундай деб таъкидлайдилар: «Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган мўъжизали фойдаланишди. Вақтни бекорга ҳавога совуришгани йўқ. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижаси — бугун биз буюк меросга эгамиз.

«Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди».

Эътибор бераётган бўлсангиз керак, бизнинг давлатчилигимиз, маънавият, маданиятимиз тарихи минг йиллик чегарасидан ҳам чиқиб кетяпти. Демак, ўзбек халқининг тарихи узун, ўзбек давлатчилиги узоқ-узоқларга бориб тақалади.

Янги йил, янги аср, янги минг йилликнинг биринчи кунини беҳад қувонч, чексиз фахр-ифтихор билан қаршилаяпмиз.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз сингари минг йиллардан буён қад ростлаб турган ўйларимиз бор. Уларнинг умри асрлардан-асрларга уланиб, минг йилларга чўзилавераді. Чунки улар эзгулик уйларидир.

Ўзбек том маънода бунёдкордир. Халқимиз тўй қилса завқи юз йилга татийди, уй қурса минг йил туради. Бағри кенг инсонлар ишининг ҳам бағри кенг бўлади.

Биз мана шу табаррук заминда ҳуқуқий демократик давлат қуришга белимизни маҳкам боғлаганмиз.

Ҳеч шубҳа йўққи, тез орада армиямиз профессионал бўлади.

Келажакда давлатимиз буюк бўлишига чин дилдан ишонамиз.

Шуни яхши биламизки, бизни янги йил, янги аср, янги минг йилликда фаровон турмуш, порлоқ келажак кутмоқда.

Ул муборак кунларга сабр билан етажакмиз, албатта. 2001 йилни «Оналар ва болалар йили» дея яхши ният билан қаршилаяпмиз. Ниятимиз ижобат бўлгай.

Январнинг илк кунидаги ниятимиз тубандагича:

Майли вақт шитоб билан ўтсин, майли вақт имиллаб ўтсин. Энг муҳими — тинчтотувлик, бунёдкорлик ҳамиша ҳамроҳимиз бўлсин.

Байрам завқи юз йилга татисин, эзгу мақсад билан барпо этаётган биноларимиз минг йиллаб қад ростлаб турсин.

Янги йил, янги аср, янги минг йиллик барчамизга муборак бўлсин!

Майор А. ОБРУЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ИККИНЧИ МИНГ ЙИЛЛИКДАГИ БУЮКЛАРИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

чи минг йилликдаги буюк аждодларимизнинг айримлари хусусида тўхталмасдан ўтолмайман. Негаки, неча-неча асрлар ўтса-ўтадики, улар биз билан. Илоҳим, уларнинг пок руҳлари миллатимизни янги минг йилликда ҳам қўллаб-қувватласин.

Баҳоуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Хўжа Аҳрор Валийдек улуғ зотларимиз иккинчи минг йилликда дунё аҳлига шундай улкан маънавий мерос қолдиришганки, ҳали неча минг йиллар бу меросдан таралаётган зиё қалбларни нурафшон этгуси.

Ўттизга яқин мамлакатни ўз туғи остига бирлаштирган Соҳибқирон бобомиз Амир Темур нафақат миллий давлатчилигимиз, балки жаҳон маданияти, маънавияти тарихида ҳам муносиб ўрин тутади. Кириб келган 2001 йилда бу буюк зотнинг 665 йиллигини нишонлаймиз.

Жаҳон тилшунос олимларининг эътирофича, бобомиз ҳазрат Алишер Навоийда сўз бойлиги 26035, Пушкинда 21193, Шекспирда 20000 га тенг экан. Бу фақат бобомиз буюклигининг бир қирраси, холос. Янги асрнинг мана шу дастлабки йилида шеърият мулкининг султони бўлган улуғ аждодимизнинг 560 йиллик юбилейини нишонлаймиз.

«Шарқнинг Рафаэли эмасдир Беҳзод, ғарбнинг Беҳзодидир Рафаэлдек зот», деган мисралар қайси миллатдошимнинг қалбини ғурурга тўлдирмайди, дейсиз. Дунёда ўзига хос санъат мактабини яратган бобокалонимиз Камолиддин Беҳзод ҳам иккинчи минг йилликнинг ҳақиқий буюкларидан.

Жалолиддин Мангуберди, Бобур, Мирзо, Улуғбек, Қодирий, Чўлпон, Беҳбудий, Фитрат... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Таъкидлаб айтаманки, биз уларнинг фақат айримлари хусусида сўз очдик. Агар тарихни варақласак, юзлаб, минглаб буюкларимиз бор. Гап уларни санашда ёки улар билан фахрланишдагина эмас. Гап биз остонасидан ҳатлаган учинчи минг йилликда ана шу буюк аждодларимизга муносиб ворис бўла олишимиздa, дунёга донғи тараладиган янги буюкларимиз етишиб чиқишида.

Башорат қилолмайман. Аммо шуни биламанки, дунёга улуғ зотларни етиштириб берган, тарихий илдизлари бақувват халқда бу учун имконият бор. Зеро, истиқлол буюк аждодлар ва бугунги авлод ўртасидаги ришталарни қайта улади, тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Ажабмас, аср бошида, минг йиллик бошида хаёлдан ўтган бу орзу, ният яқин вақтларда бўй кўрсатса.

Катта лейтенант А. САФАРОВ.

ПОК ОРЗУЛАР УМИДИДА



Қизалоқ: — Ойижон, энг баланд арча осмонга етадими?
Она: — Йўқ.
Қизалоқ: — Унда нима етади?
Она: — Толенг, бахтинг осмондан-да юксак бўлгуси, қизим.
Қизалоқ: — Толе, бахт нима ўзи?

Она: — Сенинг, меннинг тинч ҳаётим, муваффақият, юртимиз фаровонлиги, мустақилликнинг барқарорлиги ва яна кўп эзгуликлар.

Қизалоқ: — Ойи, янги йил олдидан нима тилак, истагинг бўлса, амалга ошади, дегандингиз, шу ростми?

Она: — Ҳа, қизим, эзгу ният қилавер.

Қизалоқ: — Унда-чи, XXI асрда бутун дунё қўғирчоққа, ўйинчоққа тўлсин.

К. ТУРАЕВ суратга олган.

ОБСТАНОВКА—ПРАЗДНИЧНАЯ

Как встретили Новый год в частях и подразделениях Вооруженных Сил Республики Узбекистан? Вот что сообщили по этому поводу нашему корреспонденту военкоры из разных гарнизонов.

Старший лейтенант А. ХАЛДАРОВ,
(Чирчикский гарнизон):

— Прежде всего, высокими успехами в боевой учебе и службе. 2000 год не прошел безрезультатно — большинство солдат и сержантов нашего подразделения, продолжая славные боевые традиции великих предков, приложили максимум усилий для своего совершенствования и стали классными специалистами. С начала нового учебного года они не успокаиваются на достигнутом и идут вперед, к вершинам боевого мастерства. А недавно влившиеся в воинский коллектив новички в своих опытных сослуживцах, таких, как сержант В. Шерматов, младший сержант Х. Каххаров, рядовые С. Касымов, Д. Усманкулов, У. Махмудов, нашли заботливых наставников, которые делают все, чтобы они стали такими же отличными мастерами.

Старший сержант У. РАВШАНОВ,
(Каршинский гарнизон):

— Конечно, елка — главный и неотделимый атрибут новогоднего праздника — была в центре нашего подразделения, а вокруг собрались товарищи, друзья, одним словом, наш дружный коллектив, славящийся своим войсковым товариществом. На общем собрании председатель совета воинского коллектива прапорщик Т. Акбаров поставил вопрос: «Как веселее и интереснее провести этот праздник?». Предложения посыпались сразу, их было очень много. Создали из активистов организационную группу, обсудили план-сценарий проведения мероприятия, закрепили обязанности — и все закипело. Работали с огоньком. Праздник получился на славу.

Прапорщик Ш. ФАИЗИЕВ,
(Бухарский гарнизон):

— Мы встретили не только новый — 2001 год, но и новое тысячелетие с гордостью за достигнутые результаты. Ведь наше подразделение по итогам прошлого года признано одним из лучших. Такие военнослужащие, как сержант З. Буранов, рядовые К. Хужаев, Д. Махмудов, М. Киркубаев, в зимнем периоде обучения получают только отличные и хорошие оценки.

И в новом, 2001 году через нашу газету «Ватанпарвар», которую ждем и с интересом читаем, я хотел бы пожелать от себя и от имени всех моих сослуживцев всему народу Узбекистана мира, счастливой жизни и успехов в службе, труде во имя процветания нашей Родины!

Рядовой Г. ДЖАИСУНОВ,
(Ферганский гарнизон):

— К новогоднему празднику у нас была подготовлена очень интересная шоу-программа под руководством сержанта С. Хусанова. Каждый день в солдатском клубе проводили репетиции художественной самодеятельности нашего подразделения. Этот новогодний вечер запомнится надолго. Не покладая рук трудились в эти дни наши активисты младшие сержанты У. Юлдашев, Э. Хасанов, М. Бахриддинов, рядовые Д. Сапаев, К. Бурханов.

С наступлением Нового года хочется сказать: «Пусть новое тысячелетие будет счастливым, без войн и мирным для всех узбекистанцев. И гарантом этому будем мы — защитники Родины!»

Подготовил Х. МИРЗАЕВ.

XXI АСРГА ТАЛАБЛАР:

— харидор ҳамёнига қасд қилувчи сотувчилар;
— «майин супурги»ларни хуш кўрувчи раҳбарлар;
— қўл остидагиларга нисбатан яқин кишисидек муносабатда бўлмайдиган бошлиқлар;
— моторидан чиққан газ салондаги йўловчиларни заҳарлайдиган автобуслар;
— беайбни айбдор, айблини айбсиз қилувчи қозилар;
— падари бузруквори-ю, волидаи муҳтарамасига бемеҳр фарзандлар;
— оғир кунида Худо деб, рўшнолик пайти Яратганни унутадиганлар;
— мустақил мамлакатимиз равнақини, гуллаб-яшнашини кўролмайдиган ғанимлар;
— ўз манфаатини умумманфаатидан устун қўювчилар;
— ота-боболаримиз қолдирган бебаҳо неъматларга беписандлик қилувчилар;
— моддий бойлик кўзини боғлаб, маънан қашшоқлик гирдобига чўкувчилар;
— билқасддан қиладиган ярамас иши учун тоат-ибодати орқали кечирим сўрашни ўйлайдиганлар

б ў л м а с и н!

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси.

ҚОРДЕК ОППОҚ ЭЗГУ НИЯТЛАР

«Янги йилда яхши ният қилсанг, қорбобо келиб, амалга оширади», қабилидаги гаплар билан ота-онамиз бизни эзгу ниятлар, умидлар қилишга ўргатиб келишган. «Майли, қорбободан ижобат бўлишини сўраш ҳозирча қочиб кетмас, юракдаги эзгу ниятларни бир дастурхон қилинг-чи». Ана шу кайфиятда ҳарбийларимиз ҳузурига борib, қуйидаги саволларга жавоб изладик ва фикрлари, ниятларини ёзиб олдик.

1. Тахминан 10 йиллардан сўнг халқимизнинг иқтисодий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётида қандай ўзгаришлар бўлиши мумкин?

2. Иккинчи минг йилликда ушалмаган орзуларингиз...

3. Юрт ҳимоячиси тушунчаси янги мазмун-моҳият билан тўлдирилиши аниқ. Сиз уни қандай тасаввур қиласиз?

4. Аср сўнгида бизга насиб этган истиқлолни XXI асрда янада мустаҳкамлаш учун нималар қиласиз?

Капитан Ҳаёт ЖЎРАЕВ:

1. Мамлакатимиз тараққиёти йўлида ислоҳотлар йўлидан дадил одимлаяпмиз. Ҳаётимизнинг барча жабҳасида салмоқли ўзгаришлар бор. Тахминан ўн йиллардан кейин мустақиллигимиз ҳам навқирон йигит ёшига етади. Йигит навқирон ёшда тоғни урса талқон қилади. Демак, ҳаётимизда улкан туб бурилишлар бўлади. Миллий истиқлол мафкураси ўзининг улкан самарасини бериб, миллий давлатлигимиз янги бир босқичга киради.

2. Ушалмаган орзулар кўп. Шулардан энг каттаси — юртнинг буюк келажагини кўриш.

3. Армиямиз профессионаллашади. Энг сара ўғлонларимиз, жисмонан ва маънан чиниққач фарзандларимиз юртни ҳимоя этиб, буюк саркарда боболари анъаналарини муносиб давом эттиришади. Ватанни ҳимоя қилиш йигит учун ҳақиқий ор-номус ишига айланиб, хизматни ўташга ариза ёзиб отланишади.

4. Янги асрнинг дастлабки йилида мустақиллигимиз 10 ёшга тўлади. Аммо ана шу қисқа вақтда эришилган ютуқларимиз бир олам. Мен — тарбиячи офицерман. Ҳар куни посбонларга истиқлол мафкурасидан сабоқ бераман. Танамда кучим бор экан, посбонларимиз юрагида Ватанга, мустақилликка муҳаббат, садоқат туйғуларини шакллантираверамман.

Шартнома бўйича хизмат сержанти Завқи БУРОНОВ:

1. Ўзбекистон дунёдаги энг тинчликпарвар мамлакатга айланади. Халқимиз ҳаёти янада фаровонлашиб, истеъдодли, ёш мутахассислар тараққиётимизга катта улуш қўшади.

2. Ҳали ёшман, ҳаётдан орзу, умидларим бир талай. Ниятим офицер бўлиб, юрт хизматига камарбаста бўлиш.

3. Мен Миллий Гвардия сафларида муддатли хизматимни ўтаб, ҳозир вертолётчилар қисмида шартнома бўйича хизмат қиляпман. Шуни яхши биламанки, халқимиз юрт ҳимоячиларини бошига кўтаради. Аминманки, халқ ва армия бирдамлиги янада янги босқичга кўтарилади.

4. Бурчимни доимо виждонан ўтаб, ҳар қандай ғанимга ўз вақтида зарба бераман. Биз тинчликни мустаҳкам сақласак, мустақиллигимиз янада барқарор бўлиб бораверади.

Оддий аскар Шерзод ТУРАБОЕВ:

1. Муддатли ҳарбий хизматгача банк коллежини тугатганман. Молия, иқтисод борасида озми-кўпми тушунчам бор. Шунингдек, Ватанимнинг иқтисодий ҳаётида улкан ўзгаришлар бўлаётганидан ҳам. Бошқа жабҳалар ҳам ўз йўлига-ю, 10 йилдан сўнг Ўзбекистон иқтисодиёти янада юксак поғоналарга кўтарилади.

2. Коллежни тугатдим-у, армия сафига отландим. Танлаган соҳам бўйича ишлаш янги асрга қолди.

3. Ўйлайманки, йигитларимиз чақирув қоғози бўйича эмас, ариза бериб Ватан ҳимоясига отланишади.

4. Умрим охиригача халқим, юртим манфаати йўлида жавлон ураман.

И. ҚУРБОНОВ ёзиб олди.

ИДЕОЛОГИИ ЭКСТРЕМИЗМА — НАДЕЖНЫЙ ЗАСЛОН

Научно-практическая конференция на тему «Пути повышения эффективности индивидуально-воспитательной работы в решении задач противодействия в Вооруженных Силах идеологии религиозного экстремизма и фанатизма» состоялась в Бухарском гарнизоне.

В подготовке и проведении конференции участвовали представители всех силовых структур гарнизона, на нее был приглашен офицерский состав частей и подразделений.

С основным докладом выступил начальник гарнизона полковник Б. Эгамбердиев, наметивший основные пути работы офицерского состава в современной общественно-политической обстановке С содержательными докладами, раскрывающими конкретные направления обсуждаемой темы, выступили заместитель начальника гарнизона по воспитательной работе подполковник Б. Эргашев, профессор С. Мамедов, директор областного центра «Маънавият ва маърифат» профессор Ф. Аминов, полковник Х. Тухтаев.

Проведенная конференция позволила офицерскому составу глубже осознать как значение исламских культурных ценностей для возрождения самосознания узбекского народа, так и необходимость борьбы с исламским экстремизмом, представляющим угрозу для национальной безопасности Узбекистана.

Майор Б. КАРИЕВ,
(Бухарский гарнизон).
(Передано по телефону).

Учинчи асрни қаршилаётганлар

«Қариси бор уйнинг париси бор» деб бежиз айтишмаган. Нуронийлар дуо ўқиб турган жойда иймон, эътиқод мустаҳкам бўлади, осойишталик ҳукм суради. Айни чоғда, бундай қарияларни эъзозлаш ёшларнинг бурчи ҳамдир. Навоийда янги йил арафасида вилоят ҳокимининг фармойиши билан икки аср гувоҳи бўлиб, учинчи асрни қаршилаётган 63 нафар 100 ёшдан ошган нуронийларга совға-саломлар ва ҳар бирига 10 минг сўмдан, жами 630 минг сўм пул ажратилди.

— Оллоҳга минг шукурлар бўлсинким, яна бир асрнинг гувоҳи бўляпман,— дейди Хатирчи туманидаги «Олтинсой» ширкат хўжалигининг Майдонсой қишлоғида яшовчи, 117 ёшни қаршилаётган Гулсара момо Жўрақулова.— Умрим давомида кўп қийинчиликларни бошимдан кечирдим. Гўзал юртимиз мустақилликка эришгач, бизни қишлоқларимиз ҳам ўзгариб кетди. Ана шундай ўзгаришлар бошида турган раҳнамомиз, Президент Ислом Каримов ўғлимдан беҳад миннатдорман. Илоҳим, Юртбошимиз ҳам бизнинг ёшимизга етсин. Биз қарияларга кўрсатилаётган ғамхўрликлардан миннатдорман.

Худди ана шундай дил сўзларини Қизилтепа туманидаги «Зарметан» ширкат хўжалигидан 110 ёшли Севар Сатторова, Конимех туманидаги Абай ширкат хўжалигида яшовчи 106 ёшли Наврўзой Бегманова, Нурота туманидаги «Ғозғон» қишлоғидан 102 ёшли Турсун бобо Расулов, Навбаҳор туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалигида яшовчи 106 ёшли Мирза бобо Хўжаев, шу туманнинг «Гигант» хўжалигида яшовчи 111 ёшли Унсун момо Қурбонова, Хатирчи туманидаги А. Ёрлақабов номли жамоа хўжалигининг «Чиғатой» қишлоғидан 115 ёшли Зубайда момо Шодмоновалар ҳам изҳор этди.

Янги тарихий аср, янги минг йиллик арафасида 100 ёшдан ошган пири бадавлат қарияларга кўрсатилган бундай эътибор уларни чексиз хушнуд этди.

Е. УМАР,
ЎзА мухбири.

Жанубий Қутбга Ўзбекистон байроғи ўрнатилади

(Давоми. Боши 2-бетда).

ят арбоблари. Шунингдек, ишлаб чиқаришнинг олдий вакилларини, тараққиётга ҳисса қўшаётган барча-барча инсонларнинг эътиборини ўзига жалб қилади, деб умид қиламиз.

Биз учинчи минг йилликни Ер шарининг энг гаройиб нуқтаси — Жанубий Қутбда кутиб олаётганимиздан беҳад хурсандмиз. Ана шу ягона нуқтада янги минг йилликнинг кириб келиши 24 соат давом этади. Шу билан бирга бирор-бир давлатга тегишли бўлмаган, миллати, ирқи ва эътиқодидан қатъи назар, Ер юзида яшаётган барча халқлар бирлигининг рамзига айланган жойда янги йилни кутиб олаётганимиз қувончимизга яна қувонч қўшади».

(ЎзА).

ДВУХМЕСЯЧНИК КИНО

В целях обеспечения содержательного и образцового отдыха трудящихся хокимом Андижанской области принял решение о проведении «Двухмесячника кино» в январе—феврале 2001 года.

В эти месяцы областное акционерное общество «Андижонкиновидео» по определенному графику организует показ в кинотеатрах научно-популярных и художественных фильмов, посвященных воспитанию молодежи.

А. КОДИРОВ,
корр. УзА.

Экономика. Наука. Техника

ПИРАМИДА — УСЫПАЛЬНИЦА ЖЕНЩИНЫ

Недалеко от Каира французские археологи обнаружили остатки пирамиды египетской царицы Анхен-Пепи, жившей более 4000 лет назад. В помещении захоронения царицы были обнаружены иероглифические настенные надписи, содержащие просьбу защитить усопшую и дать ей хлеб насущный в загробной жизни. До этого открытия подобные тексты археологи находили в пирамидах фараонов. А сейчас ученым остается лишь гадать, за какие заслуги женщина удостоилась такой небывалой для Древнего Египта чести.

ЯНГИ АСРДА

Хитой аҳолиси сони XXI аср ўрталарига бориб 1,6 миллиардга етади. 2010 йилгача мамлакат аҳолисининг ҳозирги сони, яъни 1,4 миллиардли кўрсаткич сақланиб қолади.

Ҳукумат вакилининг билдиришича, Хитой янги асрда ҳам оилани режалаштириш сиёсатини давом эттиради. Бу аҳоли яшаш шароитини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қашшоқлик ва ишсизликни тугатишга катта ёрдам беради.

ЗАПРАВЬТЕ МАСЛО В БЕНЗОБАК

Не исключено, что молдавские земледельцы в скором будущем смогут обходиться без довольно дорогого, а подчас и дефицитного в республике дизельного топлива.

Его с успехом может заменить рапсовое масло. К такому выводу пришла группа местных ученых, которая проводила в одном из хозяйств Кишиневского уезда эксперимент по использованию нетрадиционного горючего на сельхозработах. В течение всего сезона один из двенадцати тракторов, имеющихся в хозяйстве, работал исключительно на рапсовом масле, и производительность его была ничуть не хуже, чем у собратьев, «питавшихся» соляркой. Некоторые расчеты показали, что использование нового горючего дает возможность экономить на каждом литре примерно два лея. Если учесть, что солярка в Молдавии стоит сегодня порядка пяти лей за литр, экономия — существенная.

10 ТА ЭНГ МУҲИМ

«Кореа таймс» газетаси йилнинг ўнта энг муҳим воқеаси рўйхатини эълон қилди. Унда Владимир Путиннинг президент бўлиши ва «Курск» сувости кемасининг фожеаси ҳам жой олган. Шунингдек, Жорж Бушнинг АҚШ президенти этиб сайланиши, АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг Пхеньянга ташрифи, инсон танасидаги генетик код харитасининг яратилиши, Тайвандаги президент сайловида мухолифат кучлар вакили Чэн Шуйбяннинг ғалабаси, Исроил билан Фаластин ўртасидаги юз берган янги қарама-қаршиликлар, глобаллашувга қарши норозилик, АҚШ биржасида акциялар баҳосининг тушиб кетиши натижасида Осиё бозоридаги силкинишлар ҳамда нефтнинг 37 долларгача қимматлашуви ўтаётган йилнинг энг муҳим воқеалари ҳисобланмоқда.

СИБИРСКИЕ НОСОРОГИ

В Западной Сибири более десяти тысяч лет назад жили носороги. Да не простые, которых мы сегодня можем видеть в зоопарках, а покрытые густой шерстью — видимо, уже тогда здешний климат заставлял обитателей приспосабливаться и утепляться. Подтверждением этой гипотезы стал найденный жителем Сургутского района хорошо сохранившийся череп древнего животного, переданный им в дар местному музею. А на днях специалисты Уральского университета после детального изучения уникальной находки подтвердили вид и возраст ископаемого.

ВЫЯВЛЕН НОВЫЙ ГЕН

Новый прорыв в генной инженерии совершили ученые Новой Зеландии. Им удалось вычислить и запрограммировать специальный ген у некоторых видов крупного рогатого скота, вызвав увеличение общей мышечной массы животных на 40 процентов. Ученые-биологи провели серию опытов, в ходе которых выявили ген, воздействие на который позволяет контролировать баланс мяса и жира у скота. Теперь, подчеркивают ученые, мутация этого гена позволит человеку программировать производство мяса, в частности, удваивать мышечную массу мясных пород коров сразу после их рождения.

(По материалам печати).

● ТВОРЧЕСТВО НАШИХ ЧИТАТЕЛЕЙ

Новогодний сюрприз
(новелла)

Нет, не зря говорят, что удивительное—рядом. Хотя бы в этот прекрасный новогодний вечер! Вы только не поленитесь, выйдите из теплой квартиры и пристально вглядитесь в окружающий мир. Вот наше дневное светило, словно загадочная багряная планета, торжественно опускается за горизонт. Еще несколько минут и на бархатной синеве студеного неба щедрой россыпью бесценных алмазов загораются звезды...

«Каких красот только нет вокруг, каждому хватит бесценных сокровищ! Надо только уметь их увидеть,— по-юношески радовался солидный полковник, восторженно глядя с балкона на целую гамму редчайших расцветок на ночном небе. — Хоть поэму пиши о такой красоте. Да, вот пойду на пенсию и обязательно напишу...»

— О чем это вы там задумались, Икрам-ака?— поинтересовался вышедший на смежный балкон его сосед Юсуф. И услышав о небе в бриллиантах, недоуменно пожал плечами. Уж кто-кто, а он знал цену настоящим бриллиантам и фантазия соседа, да еще полковника, показалась ему странной.

Когда-то они вместе окончили среднюю школу.

Романтика военной службы привела Икрама в военное училище, а затем бросала по различным, в основном весьма отдаленным гарнизонам. А Юсуф со второго курса института окунулся в «деловую жизнь». С тех пор он делил все окружающее на нужное ему лично или ненужное, а все дела на выгодные и невыгодные. И никаких эмоций.

Поклонник прекрасного, сам удивляясь вдруг пришедшему на ум экспромту, укоризненно продекламировал:

Неужели ни разу,
Где бы раньше ты не был,
Ты не видел алмазы
В темном бархате неба?

И провожаемый сочувственным взглядом соседа: «Ну и перебрал же, ты, сосед, в честь праздника!»— вернулся с балкона в привычный интерьер своей квартиры.

И вдруг, точно в сказке, распахнулась дверь, и в квартиру вошел самый что ни на есть настоящий Дед Мороз. Да, да, да, тот самый, в безразмерном овчинном тулупе, огромных валенках и с большущей седой бородой. Одарив шоколадками сына и дочь, вручив флакончик тончайших духов жене, он неожиданно вышел на балкон и густым басом пророкотал соседу Юсуфу, уныло подсчитывавшему в уме, во сколько обошлась ему встреча Нового года:

Красоту небоевода
Осуждать не спеши,
Чудо-краски Природы —
Это праздник души!

Затем, достав из своего безразмерного дед-морозовского мешка томик классиков восточной поэзии, протянул его полковнику: «Дерзай, поэт! И не откладывай на завтра то, что надо сделать сегодня...»

Дед Мороз бесшумно удалился, а поклонник прекрасного тут же раскрыл бесценный том, чтобы еще раз убедиться, что он не одинок в этом мире, что с древнейших времен человек широко раскрытыми глазами вглядывался в окружающий мир, вновь и вновь открывая для себя его неувядающую красоту.

А. АНИСИМОВ.



НИЯТ
(ҲАЖВИЯ)

— Онаси, янги йилда ўғлимизга машина олиб бермоқчиман, — деди Бек ака пиёлани беозоргина қўлига оларкан. — Қани, бир нима десанг-чи!

— Ниятингизга етинг, дадаси, — деди хотини ўғлига маъноли қараб.

— Бўлмаса, олдик! — Бек ака бир кўтаришда оқлаб, пиёлани яна тўлдираркан, бир тилим тузланган бодрингни оғзига солди ва қизига деди. — Қизим, янги йилда сенга «Лама» олиб бермоқчиман!.. Янги пальто муборак, қизим!

Бек ака иккинчи пиёлани ҳам оқлагач, кичкина қизига этик ваъда қилди ва янги этик учун бир пиёла олди. Пиёлани дастурхонга қўйиб-қўймай кенжатой ўғли «менга магнитофон олиб берасиз», деб қолди.

— Шошма, ўғлим, шошма, — деди Бек ака пиёлага арақ қуяркан. — Пиёла бўм-бўш-у, сен бўлсанг магнитофон дейсан... Мана, пиёлани тўлдирдик, ана энди гапингни гапир!

— Магнитофон, — деди ўғли хўмрайиб.

— Янги йилда албатта, магнитофон бўлади, — деди Бек ака қалтираганча пиёлани қўлига оларкан.

— Мана шу магнитофон учун олдик!

Бек аканинг кўзлари қисилиб, бурнининг учи қизара бошлади:

— Хо-тин, янги йилда с-сенга нима олиб-б берай-й?

— Йўқ, дадаси, менга ҳеч нарса керак эмас .— деди хотини қўл силтаб. — Оладиган нарсаларимни айтадиган бўлсам, маст бўлиб қоласиз.

— Эй, х-хотин, — деди Бек ака кўзларини сузиб. — Ма-мастлигимдан фо-фойдаланиб, и-ишларинг-ни б-битириб-б олмайсан-ми-и-и?..

Соат миллари ўн иккини кўрсатаркан. Бек аканинг хурраги соат зангига қўшилиб кетди.

Илҳом ЗОИРОВ.

ЖОРИЙ ЙИЛ—МУЧАЛ БЎЙИЧА ИЛОН ЙИЛИ

Ушбу мучалда туғилганларга донолик ва зийраклик ато этилган. Улар маҳмадона эмас, кўп ва чуқур фикр-мулоҳаза юритишади. Бошлаган ишни қатъият билан охиригача етказишади, муваффақиятсизликни жуда ёмон кўришади. Табиатан хотиржам бўлсалар ҳам ишнинг кўзини билиб, тез хулоса чиқаришади. Улар қиморбозликни ўрнига қўя олишмайди, шу боис бунақанги ишда таваккал қилмагани маъқул.

Бу мучалдагилар омадли кишилардир, лекин кўпинча зиқналик қилишади. Гоҳида жиззаки ва мақтанчоқ бўлишади. Қарз беришни ёмон кўришади, аммо хушларига келиб қолса, ёрдам беришдан асло бўйин товлашмайди. Бўрттиришга мойиллик уларга хос хусусият. Мабодо бировга ёрдам бергудек бўлишса, жонларини ҳам аямайдилар. Айни пайтда тортинчоқлар. Улардан ёрдам сўрашдан аввал ўйлаб кўриш керак.

Илон йилида таваллуд топганлар ёстиқдошларини ўзлари танлашади, рашкчи ва инжиқдирлар. Енгилтакликлари оилавий ҳаётини қийинлаштиради. Агар улар ўзларининг энг яхши ҳис-туйғуларини оилага бағишласалар, умрлари бир текис ва ғам-ташвишсиз кечади. Ҳаётларининг дастлабки даври нисбатан тинч ўтади. Умрларининг иккинчи ярмида эса ортиқча сертакаллуфликлари, эҳтиросларининг кучлилиги, саргузаштларга иштиёқмандликлари мушкулликларга дучор этиши мумкин.

ОФИЦЕРНИНГ УҒЛИГА ДЕГАНЛАРИ

Тўйиб симир юрт ҳавосин,
Қониб эшит куй, навосин,
Топа билгин дард давосин,
Жасур ўғлон бўлай десанг.
Қадамингни босгин олға,
Ўзни эзгу ишга чоғла,
Яхшиларга кўнгил боғла,
Зўр паҳлавон бўлай десанг.
Ишлатма «От!» деган сўзни,
Эшитма «Дод!» деган сўзни,
Унуттин «ёт» деган сўзни,
Жасур ўғлон бўлай десанг.
Ўзбекистон Ватанимиз,
Удир бизнинг жон-танимиз,
Ҳимоя қил ор-шаънимиз,
Зўр паҳлавон бўлай десанг.
Буюк неъмат — Мустақиллик,
Енгар доим зўр аҳиллик,
Бахтли бўлгин, бўл ақллик,
Жасур ўғлон бўлай десанг.

АСКАРНИНГ ТИЛАКЛАРИ

Бақувватдир билакларим,
Эзгу менинг тилакларим:
Автоматлар отилмасин,
Ҳеч бир қурол сотилмасин.
Майли дейман, кўпайсин банк,
Ҳаракатга келмасин танк.
Кўргазмада турсин тўплар,
Келиб кўрсин уни кўплар.
Уруш номи ўчиб кетсин,
Ер юзидан кўчиб кетсин.
Йигит бўйлар қиз бор уйга,
Кутинг, айтар тезда тўйга.
Фақат тинчлик замон бўлсин,
Ҳамма одам омон бўлсин,
Ёмон кўргим баҳилликни,
Мен севаман аҳиллликни.
Ҳимояни пухта қилдик,
Мангу бўлсин Мустақиллик.
Қутлагайман аср билан мен,
Учмингничи қаср билан мен.
Бақувватдир билакларим,
Эзгу менинг тилакларим.

Абдураззоқ ОБРУЙИ.

ЧАЙНКРОССВОРД



(ЧАЙНКРОССВОРД)

1. Қиш зийнати. 2. Музқаймоқнинг қадимги номи. 3. Тарихий археологик давр. 4. Қўникма. 5. Исломдаги тўрт бош фариштадан бири. 6. Эшикни беркитиш учун ишлатиладиган содда қулф. 7. Қарши шаҳрининг қадимий номи. 8. Чанқовбосди ичимлик. 9. Ўрта шарқ мамлакатларининг қадимий номи. 10. 2000 йил илгари бошланган сана. 11. Вақт оралиғи. 12. Икки дўст ўртасидаги жарлик. 13. Игна баргли дарахт. 14. Ҳарбий хизматчи. 15. Дастлабки ўзбек фильмларидан бири — «...қашқирлари». 16. Австралия жанубидаги орол. 17. Самолёт русуми. 18. Сопол идиш. 19. Азамат. 20. Музлар ўлкаси Антрактидада яшайдиган уча олмас қуш. 21. Шеърият. 22. Аёз бобом новвот сотди, олган эдим қўлим қотди. 23. Аёллар тақинчоғи. 24. XV асрда яшаган озарбойжон шоири, ҳуруфийлик таълимотининг тарғиботчиси. 25. 2000 йилликка алоқадор сон. 26. Қарор. 27. Амазонка дарёсининг ирмоғи. 28. «Шер сути». 29. Арғамчига қуват бўлади. 30. Тўлалик даражаси. 31. Буржий тақвимнинг қиш чилласига тўғри келадиган ой. 32. «Шум бола» да Сарибой бўлис образини яратган актёр — ... Қодиров. 33. Жуда кучли шамол. 34. Туркия пули. 35. Қад-қомат. 36. Совуқ ўлкаларда яшайдиган курак оёқли сув жонивори. 37. Она юрти учун жон фидо қилган миллий қаҳрамон. 38. С. Аҳмаднинг «Уфқ» трилогияси қаҳрамонларидан бири. 39. Туянинг эркаги. 40. Инкор қилувчи жавоб. 41. Меваси халқ табобатида кенг қўлланиладиган лаврдошлар оиласига мансуб дарахт. 42. Исломда тан олинган пайғамбар. 43. Жавоҳирлар қутичаси. 44. Илм ўздиради. ... тўздиради. 45. Шимолий Америкадаги ярим орол. 46. Савдо қатори. 47. Тўтиқуш тури. 48. Маълум технологик жараённи бажарувчи машина ва механизмлар мажмуи. 49. Мўътадил минтақанинг игна баргли дарахтлардан иборат ўрмонлари. 50. Башара. 51. Остки қисм. 52. Қубба шаклидаги том. 53. Оро. 54. Роман парчаси. 55. Қора нуқта диркиллар. 56. Совутиш системасида ишлатиладиган суюқлик. 57. Жадвал. 58. Журналнинг синоними. 59. Юнонистон пойтахти. 60. Ойнадаги кўриниш. 61. Кир ювиш кукуни. 62. Пулга сотиладиган ҳид. 63. Осмон жисмларини кузатиш.

Рустам ШАРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 154-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Ватан. 2. Наряд. 3. Дивизия. 4. Яроқ. 5. Қочоқ. 6. Қўриқчи. 7. Имон. 8. Наган. 9. Нафрат. 10. Танк. 11. Капитан. 12. Ном. 13. Мина. 14. Асир. 15. Ридо. 16. Ов. 17. Морж. 18. Жуда. 19. Акс. 20. Суяк. 21. Каска. 22. Аскар. 23. Рим. 24. Машқ. 25. Қўшин. 26. Нос. 27. Саф. 28. Форма. 29. Ан. 30. Нота. 31. Арканзас. 32. Сержант. 33. Турна. 34. Андом.

БИЛАСИЗМИ?

Арча ўрнатиб, янги йил кутиш анъанаси XVI асрда Германияда пайдо бўлган.

***

Германияда қизиқ янги йил анъанаси бор. Кечаси соат 12 да ҳамма стул ва столларга чиқиб, хурсандчилик билан қийқирганча янги йилга «сакрашади».

***

Кенияда янги йилда бирбирини кўрганда тупуриш одати бор. Шундай антиқа усул билан мамлакат аҳолиси бир-бирига янги йилда бахт ва омад тилайди.

Янги йил хандалари

БАҲОНАМИСАН, БАҲОНА

ДАН ходими катта тезликда келаётган машинани тўхтатди.

— Қаёққа шошаяпсиз ўзи? — деди у ҳайдовчига киноя билан.

— Уйга. Дўстларим билан янги йилни кутгандик. Бироз кечикдим. Хотиним ҳавотир олаётган бўлса керак...

— Нима деяпсиз ўзи? Ҳозир май ой-ку!

— Худди шунинг учун ҳам шошаяпман-да жаноб инспектор.

ФАҚАТ ТЕЗРОҚ

— Алло, бу суғурта компаниясими? Айтинг-чи, биз уйимизни телефонда суғурта қилдирсак бўладими?

— Йўқ, мумкин эмас. Биз ҳозир ўз вакилимизни уйингизга жўнатамиз. У сизлар билан шартнома тузади.

— Яхши, жўнатаверинг. Фақат тезроқ. Арчамиз бутунлай ёниб аллақачон гиламлар ҳам тутай бошлади...

АСЛО ҲАВОТИР ОЛМАНГ

Янги йил киришига беш-олти соат қолганида бир йигит сартарошхонага кирди. Сартарош юз-кўзига кўпик чаплай бошлагандаёқ мижоз сартарош аллақачон «тайёрлигини» сезиб қолди.

Сўзсиз сурат.

— Ия, маст экансиз-ку! Бўлди, бўлди, тўхтатинг. Бирор жойимни кесиб қўясиз.

— Йўғ-э, с-с-сиз асло хавотир олманг, — дея сартарош ўзини оқлаган бўлди — фақат ниятингиз қаерда эканини кўрсатиб қўйсангиз бўлди.

ИУЛИ ТОПИЛДИ

Янги йилни кутишга келишган меҳмонлар жуда узоқ ўтириб қолишди. Мезбон аёл нима қилишини билмай гаранг. Бирдан йўлакдаги телефон жиринглаб қолди. У чиқиб кетаётганидаёқ миясида ажойиб бир фикр туғилди. Ва қайтиб келиб қичқира бошлади:

— Енгин! Енгин!

Ҳамма бир овоздан:

— Кимникида!!!

— Унча яхши эшитилмади. Хуллас, сизлардан биримизникида.

АНА ШУНАҚА

— Айт-чи, қизалоқ, ойинг сенга янги йилда нима совға қилди?

— Ўкача.

ҚАЕРДА ҚУТАМИЗ?

— Онаси, янги йилни қаерда кутамиз?

— Одатдагидек, мен ошхонада, сиз столнинг тагида.

ҚАЛТАК САБАБИ

— Қорбобо, безорилар сизни нима сабабдан калтаклашди?

— Қопимдан сигарет тополмаганлари учун.

Б. МАДРАҲИМОВ таржимаси.

● НАШЕ ИНТЕРВЬЮ

«ЛУЧШЕ ВЫСТУПАТЬ НА ТУРНИРАХ»

Не секрет, что армейские спортсмены всегда составляли основной костяк национальных сборных команд по многим видам спорта. Наши атлеты успешно выступают на республиканских и мировых чемпионатах, чемпионатах Азии, международных турнирах. Результативными были выступления армейцев и в уходящем году. Накануне Нового года наш корреспондент встретился с начальником спортивного комитета Министерства обороны подполковником И. АБУБАКИРОВЫМ и попросил вкратце рассказать, каким был для спортсменов-армейцев уходящий 2000-й год.

— 2000-й год ознаменован тем, что в этом году в Австралии проводились XXVII Олимпийские игры — последняя Олимпиада двадцатого века. Поэтому хотелось бы начать с подготовки и участия спортсменов Министерства обороны в Олимпийских играх. В Сиднее-2000 приняли участие 29 спортсменов-армейцев по 8 видам спорта (легкая атлетика — 13, дзюдо — 5, бокс — 4, пулевая стрельба — 3, вольная борьба — 1, греко-римская борьба — 1, тяжелая атлетика — 1, трамполин — 1). Это составляет почти 45 процентов от общего количества участников.

Успешно выступил на Олимпиаде мастер спорта международного класса по боксу рядовой Рустам Саидов, завоевавший бронзовую медаль. Старший сержант по контракту мастер спорта международного класса по вольной борьбе Дамир Захартдинов и служащая Вооруженных Сил Екатерина Хилько по трамполину заняли 4-е места, дзюдоист Алишер Мухтаров и стрелок Дильшод Мухтаров вошли в пятерку сильнейших. Неплохие результаты показали и другие спортсмены.

— А какие результаты показывают армейские атлеты на различных международных турнирах, чемпионатах Азии и мира?

— Практически по всем видам спорта здесь есть победители и призеры. Старший сержант по контракту Юрий Витт является бронзовым призером чемпионата мира и Азии по греко-римской борьбе. Дамир Захартдинов — серебряный призер чемпионата Азии, бронзовый призер чемпионата мира. Старший лейтенант Камол Муродов— серебряный призер чемпионата Азии по дзюдо, победитель международных турниров, чемпион мира по курашу. Призерами чемпионатов Азии и мира были и другие армейские дзюдоисты: Фарход Тураев, Андрей Штурбабин, Мансур Жумаев. Рядовой Любовь Перепелова является чемпионкой Азии по легкой атлетике, младший сержант Иван Кибиров — чемпион мира по военному пятиборью, рядовой Алишер Рахимов, младший сержант по контракту Дильшод Юлдашев, старшие лейтенанты Тимур Ибрагимов, Лазиз Закиров — чемпионы Азии и победители международных турниров по боксу. И этот список можно было бы продолжить.

— А как выступили армейские спортсмены на чемпионатах Узбекистана в уходящем году?

— Чемпионами страны в 2000 году от Вооруженных Сил стали 45 спортсменов по 9 видам спорта, а также команда женщин по водному поло. Серебряными призерами стали 26 спортсменов по 8 видам спорта, бронзовыми призерами стали 13 спортсменов и команда по водному поло (мужчины).

— Какие задачи стоят перед вами в наступающем году?

— Еще лучше и результативнее выступить на различных международных турнирах и мировых чемпионатах, еще выше нести знамя армейского спорта.

— Что ж, успехов вам и удачных стартов в новом году!

З. ХАИРИТДИНОВ.

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д.Кунаева, 21

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48, социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-32; отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.
Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.
Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.
Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».
Заказ № 01.